

МУАССИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛІМДЕҢДИРИҮ



Илий-методикалық журнал

2023

2/1-сан

*Озбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жасындағы
Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының
25.10.2007 жыл (№138) қаравы менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлигиги тәрепинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.
№01-044-санлы гүйалық берилген.*

Нөкис

МАЗМУНЫ

ТИЛ ХЭМ ЭДЕБИЯТ

Seytkasimov D. B. Kompetenciyaga bağdarlangan tâlim tiykarında filolog-oqítıwshı profilin jaratıw	6
Курбанова Ш. А. Концепт терминининг когнитив тилшунослиқда ва лингвомаданиятишунослиқдаги аҳамияти	13
Toshxujayeva Sh., Karimova Sh. Erkin A'zam asarlarida frazeologizmlar	20
Masodikova Z. H. Oly ta'lim muassasalarida nemis tilini pedagogik texnologiyalar orqali o'rgatish	24
Akbarova M. Sh. G'ayriodatiy birikmalar badiiy matnning lingvopoetik qiymatini oshiruvchi omil sifatida	28
Yigitaliyeva Sh. I. "Yaxshilik" konseptining bilvosita ifodalanishi	33
Закирова Д. Х. Нуткий жанрлар концепцияси хусусида	38
Тошхужаева Ш., Каримова Ш. Эркин Аззам асарларида киноя	43
Тошхужаева Ш. Эркин Аззам асарларида парантезаларнинг лингвопоэтик хусусиятлари	47
Орипова К. Э. Ўхшатиплар иштироқидаги бадий матнларда антонимлар маданий омил сифатида	52
Ishmatova O. S. Fonetik ritmika – nutqni kompleks rivojlantirish omili sifatida	57
Махмудова Д. С. Методы и приемы обучения русскому языку	65

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Хужаназарова Н. М. Тарбияланувчиларда меҳнат кўнникмаларини ҳосил қилиш	70
Taylanova Sh. Boshqaruv tizimini rivojlantirish yo'llari	73
Донаев С. Х. Таълим сифатини бошқарипшинг муҳим хусусиятлари	77
Abdraimova B. B. Bo'lajak biologiya o'qituvchilarini tayyorlashda pedagogik diagnostika muammosining nazariy aspektlari	83
Kultaev K. K. To'yingan uglevodorodlar mavzusiga interfaol usullarining tatbig'i	92
Abdullahayev A. Q., Abdullaeva N. R. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida matematika fanini o'qitishda innovatsion ta'lim texnologiyalari asosida kreativ faoliyatini rivojlantirish	99
Ibadullayeva Sh. N. Pedagogik amaliyot jarayonida bo'lajak maxsus pedagoglarni kasbiy faoliyatga tayyorlashning mexanizmlarini takomillashtirish	105
Бабаева X. У. Педагогик таълим инновацион кластерининг афзаллиги	111
Эрназарова Г. О., Калдигеков А. Б. Бўлажак педагогларнинг технологик компетентлик даражасини ривожлантиришининг педагогик шарт-шароитлари	115
Курбанова М. Э. Касбий-технологик вариативлик асосида ўкув жараёнида инновацион фаолиятни ташкил этиши	121
Тўйчиева Г. М. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-билиш компетенциясини шакллантириш	125
Janbayeva M. S. Innovatsion jamiyat sharoitida zamonaviy o'qituvchilarga bo'lgan ehtiyojlar	130
Meylieva M. S. Kasb tanlashga munosabat tizimi mezonlarining tanlanishi	133
Ne'matova Z. F. Ta'lim, fan va ishlab chiqarish integratsiyasida zamonaviy o'rta bog'in kadrlarni tayyorlash tamoyillari	138
Majidova G. A. Umumta'lim maktablarida immersiv texnologiyalardan foydalanish ko'nikmasini oshirish	142
Xalilov F. V. Muhandislik oly ta'lim muassasalarida mustaqil ta'lim va unda bilimlar bazasi qo'llash zaruriyati	146
Ашупрова С. Ю. Ўқитиш тамойиллари таълим жараёнида дидактик воситалар ва материаллардан фойдаланишининг асоси сифатида	152
Muslimov Sh. N. Bo'lajak texnologiya fami o'qituvchilarini kasbiy-grafik kompetentligini rivojlantirishda shaxsga yo'naltirilgan ta'larning roli	157



Sharipov A. A. Professional talim muassasalari oquvchilarining zamonaviy pedagogik texnologiyalar vositasida amaliyatga yo'naltirish metodikasini takomillashtirish	163
Абдалова С. Р. Дарснинг ўкув жараёнидаги ўрнини ўрганиш ҳамда муаммоли ўқитиш технологияси нутқаи-назаридан таҳлил қилиш	168
Мусурманов Р., Султанова Д. А. Академик Қори Ниёзий педагогик фаолиятини ўрганиш замон табаби	174
Raxmanova M. Q. Talabalarning ijtimoiy kompetentligini rivojlantirishning zamonaviy yondashuvlari	178
Кадирова X. А. Замонавий таълим технологиялари ёрдамида миллый дунёкарапши ривожлантириш механизмлари	183
Парпиева М. М. Технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириши муаммосини ўрганишнинг илмий-амалий асослари	188
Tursunbayeva Yu. R. Oliy ta'lim muassasalarida o'qitish jarayonini boshqarish texnologiyasi pedagogik mexanizmlari	194
Мусурмонов Р., Суяров А. М. Ёштарнинг шарқона имиджи ва муомала одобини шакллантириш хусусида	200
Жумаева Ю. Р. Бўлажак ўқитувчиларни форсайт технологияси асосида касбий фаолиятга тайёрлаш	206
Кабирова З. М. Арапаш таълим технологияларининг аҳамияти	211
Xasanov F. Z. Bo'lajak matematika o'qituvshilarini metodik tayyorlashning o'ziga xos xususiyatlari	215
Ortiqova N. A. O'qituvchining pedagogik faoliyatidagi psixologik to'siqlar va ularni bartaraf etish metodlari	220
Ortiqova N. A. Tarbiya maqsadini ishlab chiqishning pedagogik xususiyatlari	230
Axmadaliev B. S. Oliy ta'lim muassasalarida tarbiyaviy ishlarni tashkillashtirishning innovasion usullari	235
G'aniyeva D. M. Методология анализа взаимной интеграции форм социального сознания на основе научных подходов	239
Файзиева У. Ю. Особенности внедрения инклузивного образования в Республике Узбекистан	248
Махмудова Д. С. В педагогической деятельности учителя психологические барьеры и методы их преодоления	257
Кочкаров А. А. Диагностика индивидуально-типологических свойств курсантов образовательных учреждений МВД Республики Узбекистан	264
Musurmankulova M. N. The new educational system of uzbekistan and new conditions for teachers	269

МИЛЛӢЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУӮХӢӢЛӢҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Файзиева У. Ю. Международная практика инклузивного образования История становления инклузивного образования	272
--	-----

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Mirsanov U. M., Isroilov N. S. Umumiy o'rta ta'lim mакtab o'quvchilariga dasturlash dasturlashni o'rgatishda xorijiy davlatlarning tajribalaridan foydalanimish	280
Esanbayev B. I. Talabalarning fraktal grafikaga oid kompetentligini rivojlantrish muammolari	286
Абидова З. К. Профессионал таълим муассасалари ахборот муҳитини шакллантирипда электрон таълим ресурслари янги авлодидан фойдаланиши	292
Xo'janazarov Z. R. Ta'lim sifatini ta'minlashda SMART-texnologiyalaridan foydalanimish	298
Yusufxodjayeva F. M. O'quvchilarida gazlamalarga ishlov berish texnologiyasi darslarida kasanachilik ko'nikmalarini shakllantirish	305
Ibragimova M. G. Texnologiya ta'limi darslarida o'quvchilarni ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlantrish orqali kasb- hunarga yo'naltirish	310
Isaqova Z. R., Tursunov J. E. To'qimachilik korxonalarida mato turlarini kengaytirish	315



АКАДЕМИК ҚОРИ НИЁЗИЙ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИ ҮРГАНИШ ЗАМОН ТАЛАБИ

Мусурманов Р.

ЧДПУ “Мактаб менежменти” кафедраси доценти, п.ф.н.

Султанова Д. А.

ЧДПУ “Мактаб менежменти” кафедраси ўқитувчиши

Таянч сўзлар: миллатнинг шонли тарихи, олиму фузалолар, биринчи фан доктори, педагог, олим, жамоат ва фан арбоби, метемматика ва бошқа табиий фанлар.

Ключевые слова: славная история нации, ученый, первый доктор наук, педагог, ученый, общественный и научный деятель, метемматика и другие естественные науки.

Key words: the glorious history of the nation, scientists, first doctor of science, pedagogue, scientist, public and scientific figure, mathematics and other natural sciences.

Миллатимизнинг шонли тарихидан маълумки, узоқ ўтмишда ҳам жаҳон фани ривожига муносаб хисса қўшган жуда кўплаб; ал Хоразмий, ал Беруний, ибн Сино, ал Фаробий, Мирзо Улугбек сингари олиму фузалолар етишиб чикқан. Улар билан ҳакли равишда фаҳрланамиз, албатта. “Оқкан дарё оқмасдан қолмас” деганларидек, ўша алломалар ишини давом эттириб, XX асрда яшаб ижод этган буюк олим, Ўзбекистонда биринчи фан доктори, педагог, жамоат ва давлат арбоби Тошмуҳаммад Ниёзович Қори Ниёзий билан ҳам ҳақли равишда фаҳрланишга ҳақлимиз.

Қори Ниёзий 1897 йилда Хўжанд шаҳрида таваллуд топган. У 1917-1920 йиларда Фарғона шаҳар мактабларида ўқитувчи ва директор, 1920-1925 йилларда Кўқон шаҳар педагогика техникумидаги ўқитувчи ва директор, 1926-1929 йилларда Ўрта Осиё давлат университети талабаси, 1928-1929 йилларда шу институт ассиссенти, 1929-1931 йилларда шу университет доценти, 1931-1933 йилларда шу университет ректори, 1931-1970 йилларда эса университет ва бошқа институтларнинг профессори лавозимларида фаолият кўрсатган.

Академик Қори Ниёзий таржимаи ҳоли билан танишиб шундай хуло-сага келиш мумкинки, инсондаги шижаот, файрат, қатъийлик, мақсад сари интилиш ҳамма замонда ҳам ўзининг самарасини берган. Академик Қори Ниёзий яшаган даврни кўз ўнгимизга келтириб, олимнинг шу даражадаги



катта муваффақиятларга эришганлиги таҳсин ва мақтовларга сазовордир. У замонларда турмушнинг оғирлиги, билим олиш учун шароитнинг йўқлиги, ночорликларга қарамасдан шундай муваффақиятларга эришишнинг ўзи бўлмаслиги аниқ. Ниҳоят, ҳамма замонда ҳам “Излаган - имкон топган” лигининг ҳаётий далилидир.

Қори Ниёзий нафакат математика фани тараққиётига, балки Республикада илм-фанни ривожлантириш, миллатни саводхон қилиш, таълим-тарбия масалалари, олий таълимни ривожлантириш каби ўша давр учун ўта долзарб ҳисобланган соҳаларни тараққий эттиришга бошқош бўлган. 1917-1925 йилларда Фарғона ва Қўқонда мактабларни ташкил этиб, дарс берган фидойи инсон бўлган.

1938-1939 йилларда Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссари сифатида республикада мактаблар фаолиятини йўлга қўйиш, ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш, дарсликлар чоп этиш, ўқув жиҳозлари билан таъминлаш масалалари ҳал этишда жонбозлик кўрсатган.

Қори Ниёзий ёшлиқ даврларидан бошлаб илм билан шуғулланганлар. Космография, математика, астрономия, Ватанимиз фани ва маданияти тарихи соҳаларида унумли ижод қилиб 8 жилдли танланган асарлар чоп этиб келажак авлодларга қолдиргандар.

1939 йилда Қори Ниёзий физика-математика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун “Дифференциал тенгламалар” мавзусида диссертация ёқлаганлар. Унгача ўзбеклардан ҳеч бир фандан ҳеч ким фан доктори бўлмаган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, фалсафа фанлари доктори, профессор Омонулла Файзуллаевнинг хотирлашича “1937 йил 1 сентябрда Ўрта Осиё давлат университети физматида ўқишимиз бошланиб кетди. Аввало ўқиш жадвалига қарадим. Биринчи лекция “Математик анализ – проф. Қори Ниёзий” деб ёзилган эди.

Дарҳақиқат, Қори ака лекция ўқигани кирдилар. Адл гавдали, ўзларини тутишларида устозларга хос самимиyлик, улуғлик ва камтарлик. Силлиқ қилиб тарапланган соч. Кийимлари оддий, лекин унда бирорта ҳам гард йўқ, ғижим йўқ. Бирон тола соч йўқки, нотўғри турган бўлсин. Бўрни эпчил ушлаш. Латтани сарамжон ишлатиш. Формулаларни ўта равон ва тартибли ёзиш. Жумлани ташкил этувчи сўзларни жой-жойида, баъзан интонация билан ишлатиш. Товушнинг ёқимли оҳангги. Аудиторияни буткул ром қилиш...



Хуллас, ҳақиқий ўқитувчи, том маъноси билан домла, юксак даражадаги устоз эканликларини биз дархол ҳис этдик. Ўшанда Тошмуҳаммад Ниёзович Қори Ниёзий кирқ ёшда эдилар” [1], деб ёзади.

Қори Ниёзий хизматларининг буюклиги ҳам шундаки, улар ўз даврида Республикализнинг энг атоқли ва машҳур олимларига устозлик қилганлар. Булар Х.А.Рахматулин, М.Т.Ўрзобоев, С.В.Страдубцев, Т.А.Саримсоқов, М.Орифхонова, С.Х.Сирожиддинов, С.А.Азимов, И.С.Аржаних, В.Қ.Қобилов. Уларнинг барчалари олдинма-кейин Қори Ниёзийдан таълим-таҳсил олганлар.

Қори Ниёзий Ҳалқаро фан тарихи академиястининг академиги бўлган. “Улуғбекнинг астрономия мактаби” номли китобида улуғ бобомизнинг ўз давридаги илмий тадқиқот ишларини дунёга ёйишга катта хизмат қилган. Профессор Омонулла Файзуллаевнинг гувоҳлик беришича, “Бир тарихчининг хаёлига, “Улуғбек подшо бўлганку, ўз мансабидан фойдаланмаганмикан”, фикр келиб қолган бўлса керак, томдан тараша тушгандек Улуғбекнинг илмий мактабига – академиясига хужум қилиб қолди. Шу фикрдан манфаатдор бошқа баъзи олимлар ҳам тарихчини ёнини ола бошлиди. Ватанимиз илмий меросини ўрганиш соҳасида қилинаётган ажойиб ишлар ичига тушиб қолган бундай бемаъни қарашга зарба бериш зарур эди. Лекин бу осон иш бўлмади. Нихоят, Қори ака аралашганидан кейин ижобий ҳал бўлди. У кишининг “Улуғбек ва Савой Синҳ” мақоласининг Москвада босилиши фанимиз тарихини бузиб кўрсатувчиларга берилган жиддий зарба бўлган эди” [1].

Қори Ниёзий фаолиятини ўрганиш орқали нихоятда қўп мана шундай мисоллар билан дуч келиш мумкин.

Академик Қори Ниёзий 1967-1970 йилларда ўзининг илмий-ижодий, жамоат ва давлат арбоби сифатидаги фаолияти натижалари ўлароқ, 8 жилдан иборат танланган асарларини нашр эттирганлар.

Хулоса қилиш мумкинки, ўтмишдаги алломаларимиз ҳаёти ва илмий фаолиятларини ўрганиш ёшлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эгадир. Уларда миллий фахр туйғуси, ватанпарварлик, юртга садоқат, мустақилликка бўлган меҳр-муҳаббатларини оширишга хизмат қиласди.

Адабиётлар:

1. Омонулла Файзуллаев “Қори Ниёзий” Т, “ФАН” наприёти 2007 й.
2. РМусурманов, Взгляды восточных мыслителей на воспитание ребёнка и семейных отношений в узбекских семьях ИЗДАТЕЛЬСТВО «ПРОБЛЕМЫ НАУКИ» “Вестник Проблемы науки и образования” Российской Федерации. Г. Москва 2020 г.



3. Musurmonov, R., Khimmataliev, D. O., Sultanova, D. A., Tursunbaeva, Y. R., Khakimova, I. K., & Musurmonova, M. (2023). In the Conditions of New Uzbekistan the Main Issues of Science and Modern Education. *Telematique*, 7686-7694.

4. Abdurashidovna, S. D. (2022). PEDAGOGICAL MANAGEMENT AS A TYPE OF ACTIVITY. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(11), 421-423.

5. Qizi, T. Y. R. (2021). TA'LIM PSIXOLOGIYASI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 587-591.

РЕЗЮМЕ

Мақолада XX асрда яшаб ижод этган буюк олим, Ўзбекистонда бииринч фан доктори, метематика ва бошқа табиий ғаннлар ривожига муносиб ҳисса құшынан академик, жамоат ва фан арбоби Қори Ниёзийнинг илмий педагогик фаолияти түгристердеғи ғарияттың мәдениеттегі мағынасын көрсетілген.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается научно-педагогическая деятельность Кари Ниязи-великого ученого XX века, первого в Узбекистане доктора наук, академика, общественного и научного деятеля, внесшего достойный вклад в развитие математики и других естественных наук.

SUMMARY

The article discusses the scientific and pedagogical activities of Qori Niyazi, a great scientist who lived and worked in the 20th century, the first doctor of science in Uzbekistan, academician, public and scientific figure who made a significant contribution to the development of mathematics and other natural sciences.

